

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

479 Ер қаъридан фойдаланиш, хавфли ишлар, хавфли товарлар ва моддалар, портловчи материаллар ишлаб чиқариш, уларнинг айланиши соҳасида ҳамда бошқа соҳаларда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

Сўнги йилларда республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга, тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш шаффофлигини таъминлашга йўналтирилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди, тад-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

биркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тусидаги хужжатлар рўйхати тасдиқланди.

Шу билан бирга, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг бошлиғи Б. Гулямовнинг шахсий масъулиятсизлиги ва назоратсизлиги туфайли рухсат бериш тартиб-таомиллари тартиби тўғрисидаги тегишли низомларни ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш таъминланмаган.

Ер қаъридан фойдаланиш, хавфли ишлар, хавфли товарлар ва моддалар, портловчи материаллар ишлаб чиқариш, уларнинг айланиши соҳасида ҳамда бошқа соҳаларда рухсат бериш тартиб-таомилларини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ер қаъридан фойдаланиш, хавфли ишлар, хавфли товарлар ва моддалар, портловчи материаллар ишлаб чиқариш, уларнинг айланиши соҳасида ҳамда бошқа соҳаларда рухсат бериш тартиб-таомилларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасининг ўз вақтида ва зарур сифатда ишлаб чиқилишини таъминламаганлиги учун «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг бошлиғи Б. Гулямовга ҳайфсан эълон қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаъри геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага* мувофиқ;

Портловчи материалларнинг айланиши соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 6 июнь,
360-сон

* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.